

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШДА ИННАВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Мухамадиев Э.М.

профессор, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш университети

Abstract

The article examines issues of socio-economic and technical integration, as well as the organization of landscape architecture and design in urban and rural settlements. The study outlines the objectives of socio-economic integration and the organization of landscape architecture and design for both urban and rural areas.

Калит сўзлар: шаҳарсозлик, қишлоқ хўжалиги, аҳоли жойлашуви, режалштириш, инновацио ечимлар, инфраструктура, лойиҳалаштириш.

ПРИНЦИПЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ АРХИТЕКТУРНОМ ПРОЕКТИРОВАНИИ ГОРОДСКИХ И СЕЛЬСКИХ НАСЕЛЕННЫХ ПУНКТОВ

Мухамадиев Э.М., профессор, Самаркандский государственный архитектурно-строительный университет

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы социально-экономической и технической интеграции, а также организации ландшафтной архитектуры и дизайна городских и сельских населенных пунктов.

В статье предусмотрены задачи социально-экономической интеграции и организации ландшафтной архитектуры и дизайна населенных пунктов городского и сельского типа.

Ключевые слова: градостроительство, сельское хозяйство, размещение населения, планирование, инновационные решения, инфраструктура, проектирование.

PRINCIPLES OF APPLYING INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ARCHITECTURAL DESIGN OF URBAN AND RURAL SETTLEMENTS

Mukhamadiev E.M.,

Professor, Samarkand State University of Architecture and Construction

Abstract

The article discusses issues of socio-economic and technical integration, as well as the organization of landscape architecture and design in urban and rural settlements. The study outlines the objectives of socio-economic integration and the organization of landscape architecture and design for both urban and rural areas.

Keywords: urban planning, agriculture, population distribution, planning, innovative solutions, infrastructure, design.

Замонавий шаҳарсозлик ушбу соҳа мутахассислари олдида инновацион ечимларни талаб қиладиган тобора мураккаб вазифаларни қўймоқда. Шаҳарлашган ҳудудлар уларда содир бўлаётган барча жараёнлар - хизмат кўрсатиш соҳаси, транспорт инфратузилмаси, атроф-муҳит мониторинги ва бошқаларни рақамлаштириш йўлида ривожланмоқда.

Маълумки, қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожини уларни шаҳар билан интеграцияси давлатимизнинг қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш ва бу борадаги ишларни такомиллаштириш давлат дастурларининг асосий қисмларини ташкил этади. Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларининг сифатли тараққиётини таъминлаш ва натижали ривожланишига эришиш, бу тараққиётни тезлаштириш, уларни жойлашув ва ривожини мақсадли режалаштириш, уни тизимлаштириш ва бошқариш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Мамлакатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг таянч омиллари ҳисобланган аграр масала ва унинг барқарор ривожини ва уни босқичма-босқич тараққий эттириш мамлакатнинг барча ишлаб чиқариш тармоқларига мослаб уйғунлаштирилган ҳолда ривожлантириб бориш мураккаб масаладир. Бугуни кунда шаҳардан узоқ, ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли автоном равишда шаклланиб келаётган баъзи қишлоқ аҳоли пунктларининг сезиларли даражада орқада қолганлигининг гувоҳи бўламиз.

Замонавий аҳоли пунктлари ва уларнинг аҳолиси жамиятнинг инновацион ривожланишининг асосий агентлари ҳисобланади. Шаҳар илм-фан ва таълим марказига, билимли ва ижодкор кадрлар, молиявий ресурслар тўпланган жойга айланади. Шаҳарда шаклланган махсус ижодий муҳит жамият учун инновацион ечимларнинг асосий етказиб берувчиси ҳисобланади.

Аҳоли жойлашуви ва тараққиёти бўйича ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиш амалга оширилаётган урбанизациялаштириш жараёни жойларда мақсадли бошқаришни талаб қилади. Шаҳарда шаклланган махсус ижодий муҳит жамият учун инновацион ечимларнинг асосий етказиб берувчиси ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда шаҳарлар ҳудудлари ўз чегараларини бетўхтов кенгайтириб, унинг тараққиёти таъсири қишлоқ ҳаёти фаолиятига катта таъсир этмоқда. Бунга сабаб бугунги кунда қишлоқ ва шаҳарнинг интеграцияси табиий равишда ўзаро боғланишига талаб юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам бу объектларнинг перспектив ривожланиш масалаларини структурив режалаштиришда қишлоқ инфраструктураси билан уйғунликда бўлиши мақсадга мувофиқ. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шаҳар инновацион технологиялар ва ечимларнинг асосий истеъмолчиларидан бири - шаҳарсозлик, технологик ва бошқарув, мегаполисининг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун зарур. Барқарор ривожланиш; транспорт инфратузилмасини ривожлантириш; каттик чиқиндиларни бошқариш; аҳоли учун хавфсиз яшаш муҳитини яратиш; экологик муаммоларни ҳал қилиш каби соҳалар ҳудуддаги шаҳар ўзгаришлари соҳаларда инновацион ечимларга талабни келтириб чиқаради

Қишлоқ жойлашуви инфраструктураси лойиҳаланишида аҳоли пунктини зоналаштириш яъни меҳнат, дам олиш, маиший таътил каби муҳим соҳалари зоналарини тўғри режалаш-тириш жуда муҳимдир.

Қишлоқларни қайта қуришни ташкиллаштириш, унинг эстетик қиёфасини шакллантириш, автоном тараққиётини бартараф этиб, шаҳар билан интеграциялашда табиий, функционал талаблардан келиб чиқиш, аҳоли яшаш пунктларини майдаларини йириклаштириб, қишлоқ жойларни табиий ресурслари ва тарихий маданий потенциалини сақлаб қолган ҳолда экологик, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини турғунлашган, мувозанатлашган, комплекслашган янги сифатли поғонага кўтариш лозим. Қишлоқ жойларини қайта қуриш ва унинг истиқболли тараққиёти ХХІ аср жаҳон мамла-катлари муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу борада кўплаб концепциялар мавжуд. ХХ аср кириб келган “Барқарор тараққиёт” тушунчаси бу турғун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт бўлиб, ўзининг табиий асосларини бузмасдан жамиятни узлуксиз прогрессга эл-тувчидир. Инновацион технологиялар шаҳарсозлик фаолиятининг барча даражаларида (кейинги ўринларда "Шаҳарсозлик" ихтисослиги бўйича шаҳарсозлик фаолияти деганда биз ҳудудий режалаштириш, шаҳарсозлик, ҳудудни режалаштириш ва ободонлаштиришни назарда тутамиз) ҳам мунтазам шаҳар

муаммоларини ҳал қилиш, ҳам замонавий шаҳарни барқарор ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш учун зарурдир. Барқарор тараққиёт – бу ривожланган жамиятгина эриша оладиган жараён бўлиб, эндиликда буни ноосфера (бирламчи табиатнинг маҳсулидан фарқли улароқ инсон заковати билан яратилган дунё) деб атай бошлади. Бу ҳақда рус олимаси З.А.Гаевская шундай деган эди: “Идея устойчивого развития связана не просто с преодолением антропоцентризма и принятием вместо него биоцентризма, а с их интеграцией в единую коэволюционную систему человек-общество-природа, способную к ноосферогенезу”. Ўзбекистон шароитида аҳоли сони кундан кунга ўсиб халқ фаровонлиги ҳам кетма-кет ошмоқда. Аммо мамлакатимизда суғорила-диган ерлар уй-жой ва йўл қурилиши ҳисобига кескин камайиб, аҳолини керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши муаммолар келтириб чиқармоқда. Водийларда мол боқиш учун ажратиладиган далалар йўқ ҳисоби. Бу ҳол бугунги кунда ўз ечимини топиши ва шунингдек (давлат дас-турларида) ўз аксини топиши лозим. Ҳудудларда қишлоқлар, посёлкаларнинг бош режа-лари уларга яқин шаҳ арнинг режалари билан мосланган структуравий ишланмаларни талаб қилади. Демак, фикримизча архитектуравий ландшафт ва тегишли дизайн лойиҳаларини амалга оширишдан олдин жойларда ўрганилиши, ҳар бир ҳудуд ўзига хос демо-график таҳлил ҳулосалари асосида бажарилиши лозим. Бугунги кунни яна бир муаммоларидан бири аҳ олиси зич жойлашган қишлоқлар, айниқса катта шаҳарларга яқин аҳоли пунктларида ҳудуд етиштираётган турли маҳсулотларни қайта ишлаш, улардан турли (қуруқ мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлар) экспорт учун маҳсулотлар тайёрланадиган ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни ўз манзилларидаги турғунлигини таъминлаган бўлар эди. Юқорида айтилган фикр мулоҳ азалар албатта лойиҳа концепцияларининг яратилишида уларга асос бўлади.

Бугунги жамият тараққиётининг жараёни шуни кўрсатадики, шаҳар ва қишлоқлараро кечинаётган алоқалар доирасида шаклланаётган тизимлар биз хоҳлаймизми, йўқми кенгайиб боради. Улар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқалар ўз-ўзидан боғланаве-ради. Янги-янги инновацион технологияр вужудга келабошлайди. Аммо бу жараённинг стихияли равишда бўлмасдан, балким илмий, режавий шаклланишини бошқаришни, бу тизимларни илмий - режавий асосда ташкиллаштиришни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноатлаштирилишга ҳамда унинг аҳолиси турмуш тарзини шаҳар ҳаётига яқинлаштиришга шунингдек, аҳоли яшаш пунктларини йириклаштиришга, тизимларни шаклланиб бориши қишлоқ ва шаҳарлараро янги алоқа тизимини барпо бўлишига имкон беради. Транспорт тизимини замонавий талабларга мослаш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида шаклланган барча структуравий омилларни функциявий ишлаши ва тараққий этишини таъминлаб боради. Республика қишлоқларининг жойлашуви ва уларнинг ривожланиши анъаналарини ўрганиш шунинг кўрсатадики, мавжуд бошқа омиллардан ташқари қишлоқнинг сифатли ривожланиши тўғридан-тўғри шаҳар жойлашуви структура-ларининг қандай тараққий этганлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқни қайта қуриш, инфраструктуравий тизимини шакллантиришда унинг ён шаҳари структураларини қандай тараққий этганлиги ва қишлоқ инфраструктураларини ўзаро боғлиқлигига қараб ва қишлоқнинг қандай ривожланганлик даражасига қараб дифференциал (табақаланган) ҳолда ёндашувни талаб қилади. Унинг архитектуравий ва ландшафт дизайни қиёфаси юқорида айtilган ўзаро боғланиш даражасининг чамбарчаслиги, қишлоқнинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Шаҳарсозлик соҳасида тадқиқотчилар асосан “инновация” тушунчасининг таърифини технологик инновациялар ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлайдилар.

Шаҳарсозликнинг инновацион таркибий қисми шаҳарсозлик инфратузилмаларини яратиш ва ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш асосида шаклланади, бу пировардида ривожланишни фазовий ташкил этишнинг самарали стратегиясини шакллантириш имконини беради ва замонавий стратегик режалаштиришнинг мақсади ҳисобланади.

Инновацион технологияларнинг мақсади ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариш соҳасини яхшилашдан иборат. Илғор инновацион технологияларни жорий этиш ҳам иқтисодий, ҳам моддий-ижтимоий ресурс имкониятларидан мукаммал ва самарали фойдаланишга қаратилган.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқни меъморий ландшафтини ва уни тўлдирувчи меъморий муҳит дизайнининг ечими ишлаб чиқариш, саноат объектларини, ижтимоий-маданий масканларни, маориф, бозор ва бошқа структуравий тизимларнинг чамбарчаслигига боғлиқдир.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида архитектура, қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши 7 Июл 2022 йил
2. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқи
3. Шимко В.Т. Архитектурно-дизайнерское проектирование. Основы теории. — М.: СПЦ-принт, 2003.
4. Шукурова А.Н. Архитектура Запада и мир искусства XX века. — М.: Стройиздат, 1990.